


Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий
агентлигининг 2023 йил “29” сентябрдаги
73 – сон буйруғига асосан



“ТАСДИҚЛАНГАН”


В. Пак

“ФОНД БОЗОРИНИНГ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

НИЗОМИ (янги тахрирда)

2023 йил
Тошкен ш.

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” Давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Марказ) оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўзига берилган мол-мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажбурий тусга эга ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг буйруқлари, қарорлари ҳамда ваколати доирасида бериладиган топшириқ тусдаги ҳужжатлари, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Уставга амал қилади.

3. Марказ юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штампларга ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга.

4. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги Марказнинг муассиси (мулкдори) ҳисобланади (кейинги ўринларда – Муассис).

5. Марказнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – “Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” Давлат унитар корхонаси;
қиска номи – “Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази” ДУК;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Государственное унитарное предприятие “Информационно-ресурсный центр фондового рынка”;

қиска номи – ГУП “Информационно-ресурсный центр фондового рынка”;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – “Information-resource center of capital market” State unitary enterprise;
қиска номи – “Information-resource center of capital market” SUE.

6. Марказ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни сотиб олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

7. Марказнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

2-боб. Марказнинг тузилмаси

8. Марказ тузилмасини Марказнинг марказий аппарати ташкил этади.

8.1. Марказнинг тузилмаси Муассис томонидан тасдиқланади.

3-боб. Марказ фаолиятининг мақсади, вазифалари ва функциялари

9. Марказ фаолиятининг мақсади Фонд бозорининг ягона дастурий-техник комплекси (кейинги ўринларда – комплекс) доирасида қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишнинг, қимматли қоғозлар савдолари ва қимматли қоғозларга доир

битимларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатишнинг ягона тизимини ишлаш ҳолатида сақлашдан иборат.

10. Марказнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Комплекс доирасида фонд бозорида замонавий ахборот технологияларидан, дастурий маҳсулотлардан, маълумотларга ишлов беришдаги аппарат воситалардан, алоқа ва ахборот узатиш воситаларидан фойдаланиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

– фонд бозорининг статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотлари базасини яратиш;

– корпоратив маълумотлар ягона порталига техник хизмат кўрсатиш.

11. Марказ зиммасига юклатилган вазифалар доирасида қимматли қоғозлар бозорида узлуксиз транзакцияларни амалга ошириш имкониятини таъминлаш функциясини бажаради.

4-боб. Марказнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

12. Марказ зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан ҳужжатларни, статистика, таҳлил маълумотларини ҳамда ўз вазифа ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш;

Марказга юклатилган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида Муассис билан келишилган ҳолда қўшимча равишда мустақил чет эллик, маҳаллий маслаҳатчилар ва экспертларни шартнома асосида жалб қилиш;

Марказ фаолияти соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини, шунингдек, норматив базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз ходимларининг малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш учун мамлакатимиз ва чет эл етакчи таълим ва илмий муассасаларига юбориш;

Марказ базасида ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;

Марказ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Марказ зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларнинг сифатли ва самарали бажарилиши учун жавобгардир.

Марказнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботларни белгиланган тартибда Муассисга тақдим этишга мажбур.

14. Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради.

15. Марказ муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

5-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

1-§. Марказ кузатув кенгаши

16. Муассиснинг тегишли буйруғи билан Марказда кузатув кенгаши жорий қилиниши мумкин.

17. Марказ кузатув кенгаши Марказ фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Муассиснинг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

18. Марказ Кузатув кенгашининг аъзолари Марказ Муассиси томонидан уч йил муддатга тайинланади. Марказ Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 3 (уч) кишидан иборат бўлади.

19. Марказ кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Марказни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида Марказ ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Марказ фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Марказ Муассиси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлаш;

Марказнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Марказнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Марказ Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

Марказ ижроия органининг ҳар чорақда ҳисоботларини эшитиб бориш;

Марказ ижроия органининг фаолиятига даҳлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Марказ Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Марказ Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

Аудиторлик текшируви (мажбурий аудиторлик ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ташқари) ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, Марказ ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш.

20. Кузатув кенгаши ҳар чорақда камида бир марта:

Марказ томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисоботини;

Марказнинг кузатув кенгаши аъзолари муассис қарорлари асосида мустақил равишда тайинланади.

Марказ кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар танлов асосида танлаб олинади.

Марказ кузатув кенгаши аъзолари таркиби, шу жумладан, билим, кўникма ва тажриба мезонлари бўйича тоифаланган бўлиши лозим.

21. Ҳар бир номзод:

белгиланган мезонлар доирасида тегишли малака талабларига мувофиқ бўлиши;

бенуксон ишлаш обрўсига эга бўлиши;

фаолиятида рақобатчилар, асосий етказиб берувчилар билан тизимли манфаатлар тўқнашувига эга бўлмаслиги;

кузатув кенгаши аъзоси функциясини бажариши учун зарур вақт ажратиши лозим.

22. Марказда кузатув кенгаши аъзолари таркибидан иборат аудит қўмитаси ташкил қилинади.

Аудит қўмитасига молиявий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида билимларга эга бўлган кузатув кенгашининг мустақил аъзоси раҳбарлик қилади.

23. Аудит қўмитаси молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини назорат қилиш ва таваккалчиликнинг самарадорлигини таъминлаш учун:

ички аудитнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш учун кузатув кенгашига киритади;

аудиторлик текширувларини ўтказиш ташаббуси билан чиқади;

кузатув кенгаши олдида аудит масалалари бўйича ҳисобот беради.

24. Аудит қўмитасининг мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатлари, Марказ устави ҳамда аудит хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳисоб сиёсатини тасдиқлаш учун кузатув кенгашига киритиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;

ички аудит тўғрисидаги уставни тасдиқлаш, ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш учун кузатув кенгаши тасдиғига номзодларни киритиш ҳамда уларни лавозимдан озод этиш тўғрисида таклиф киритиш;

Марказ томонидан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда амалга оширилган харидларни назорат қилиш;

ички аудит хизмати ишини, шу жумладан, унинг ҳисоботларини таҳлил қилиш ва самарадорликни баҳолаш орқали назорат қилиш;

молиявий ҳисобот, шу жумладан, консолидациялашган ҳисоботнинг бухгалтерия стандартлари ва ҳисоб сиёсатига мувофиқлигини таҳлил ва назорат қилиш;

ташқи аудит ўтказилишини таъминлаш;

кузатув кенгаши топшириғи бўйича бошқа функцияларни бажариш.

25. Аудит қўмитаси ўз йиғилишларини кузатув кенгаши мажлисларидан олдин ўтказиши.

2-§. Марказ раҳбарияти

26. Марказнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш Муассис буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан амалга оширилади.

27. Марказ директори қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидагиларни амалга оширади:

Марказ олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкиллаштиради;

Марказ номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, жумладан унинг манфаатларини ифода этади;

Марказ номидан битимларни амалга оширади (йирик битимлар бундан мустасно);

ишончномалар беради, банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобрақамларни очади;

Муассис билан келишилган ҳолда Марказ ходимларининг штат жадвали ва уларнинг иш ҳақи миқдорини тасдиқлайди, Марказнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради;

Марказ ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қилади. Бунда директор ўринбосари ва бош бухгалтерни ишга қабул қилиш Муассис билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Марказ ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Марказ фаолиятининг бошқа масалаларини мустақил ҳал қилади, Муассиснинг ваколатларига кирувчи масалалар бундан мустасно;

Марказнинг меҳнат жамоаси билан жамоавий шартнома тузади.

Директор ўрнатилган умумий штатлар сони доирасида Марказ тузилмасига Муассис билан келишган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

28. Марказ директори 1 ўринбосарга эга бўлади.

29. Марказ директори ўринбосари Марказ директорининг тақдимномасига кўра Муассис томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

30. Марказ директори бўлмаган вақтда унинг ваколати унинг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

31. Марказ директори ўрнатилган тартибда Муассис билан келишган ҳолда комплексдан фойдаланганлик учун тўлов нархини белгилайди. Бунда, белгиланган тўлов нархи комплексни сақлаш ва ундан фойдаланиш харажатларидан кам бўлиши мумкин эмас.

6-боб. Марказнинг устав фонди ва мулки

32. Марказнинг устав фонди 27 712 079 567,53 (йигирма етти миллиард етти юз ўн икки миллион етмиш тўққиз минг беш юз олтмиш етти) сўм 53 тийинни ташкил этади.

33. Марказ мулки қуйидагилар ҳисобидан шаклланади:

Марказ устав фондига берилган мулк;

Муассис томонидан Марказга оператив бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

Марказ фаолиятдан олинган даромадлари;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан.

Марказ мол-мулкани асосий ва айланма маблағлар ташкил этади.

Марказ мулкнинг қиймати Марказнинг мустақил балансида акс эттирилади.

34. Марказ устав фонди Муассиснинг буйруғига кўра кўпайтирилиши ёки камайрилиши мумкин.

35. Марказ даромадлари хизматлар кўрсатганлиги учун олинган даромадлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шаклланади.

7-боб. Марказ мулкани тасарруф этиш шартлари

36. Марказ мулкани тасарруф этиш Муассис билан келишган ҳолда директор томонидан амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни бошқа юридик шахс устав фондига улуш сифатида қўшиш;

юридик шахсларнинг акциялари (улушлари)ни ва бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш ва сотиш;

мулкни Марказ фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

8-боб. Марказ фаолиятини молиялаштириш

37. Марказ фаолиятини молиялаштириш Муассис томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

38. Марказнинг молиявий ҳисоб-китоблари ўрнатилган тартибда унинг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

9-боб. Фойдани тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

39. Ўзбекистан Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига барча солиқлар ҳамда йиғимлар тўлангандан кейин қолган Марказнинг соф фойдаси Муассиснинг қарорига мувофиқ ўрнатилган тартибда тақсимланади.

40. Марказ ўз ихтиёрида қоладиган соф фойданинг қисми ҳисобига Муассис томонидан тасдиқланадиган миқдорларда бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

41. Марказ бошқа юридик ва жисмоний шахсларга молиявий ёрдам кўрсатишга ҳақли эмас, бундан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Марказ ходимларига бериладиган молиявий ёрдам мустасно.

10-боб. Йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш

42. Марказ ҳисобот даври тугагач Муассис ва ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларининг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

43. Марказ фаолиятини назорат қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

44. Марказ фаолияти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилади ва текширув натижасида олинган аудиторлик хулосасини Муассисга тақдим этади.

11-боб. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

45. Марказнинг самарадорлиги мунтазам равишда баҳоланади.

46. Марказ фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Марказ директори томонидан тасдиқланадиган Марказ фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

Марказнинг таркибий тузилмалари учун фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг кўшимча мезонларини белгилаши мумкин.

47. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Марказ раҳбарлари, таркибий тузилмалари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Марказнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари қабул қилинади.

48. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

12-боб. Якунловчи қоида

49. Марказ ижро интизомига риоя қилиш бўйича Муассис олдида ҳисобдордир.

50. Марказ Муассис қарорига кўра қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.